Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 7-iyul. Payshanba ● 80 (31.356) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга янги имтиёз ва преференциялар, аввалambор, бу тузилмаларга янги йилдан бошлаб солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш бўйича имтиёзлар бериш режалаштирилмоқда.**

**Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келди. Интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари жуда тез суръатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бормоқда.**



2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

## Энг фаол касаначи аёл

**Фарғона вилоятида мазкур кўрик-танловнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.**

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан 18 нафар касаначи аёл иштирок этди.

Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бунда қулай ва фойдали меҳнат шакли — касаначиликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ўзининг амалий самараларини бераётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги юздан ортиқ йирик саноат корхоналари, кичик ишлаб чиқариш субъектлари ва хусусий фирмаларда 12 мингдан зиёд хотин-қиз касаначилик асосида иш билан таъминланган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ўтган 6 ойи давомида касаначилик асосида яратилган 4500 янги иш ўрнида меҳнат қилаётганларнинг етмиш фоизини ҳам аёллар ташкил этади. Улар корхоналарнинг буюртмалари асосида уй шароитида бутловчи буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар тайёрламоқда.

Касаначиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва рағбатлантиришда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг фаол касаначи аёл» кўрик-танловининг аҳамияти ортиб бораётир. Танлов орқали корхоналарда касаначиликни ривожлантириш, уларга шарт-шароитлар яратиш борасида эришилган ютуқлар тарғиб этилмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларга муносиб турмуш шароити яратиб беришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Файзулло Қосимов. — Бу йўналишда олиб борилаётган тадбирлар ҳам рўзғорига, ҳам жамиятга фойда келтиришга интилаётган аёлларимиз меҳнатини муносиб рағбатлантиришга хизмат қилмоқда.

Кўрик-танлов иштирокчилари касаначилик фаолиятининг асослари, касаначиларнинг оила бюджетига келтирадиган даромади, мазкур меҳнат тури билан шуғулланаётган хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар ҳақидаги ҳамда тадбиркорликка оид ҳуқуқий билимларини синовдан ўтказдилар. Танлов доирасида касаначи аёллар томонидан тайёрланган маҳсулотлар намойиш этилди.

Танловда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи касаначиси Маҳлиё Умарова ғолиб деб топилди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Концепция: устувор вазифалар





«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» давлатимиз тараққиётининг муҳим томонларини қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Концепцияда илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш жараёнида уларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш мазкур қонунлар лойиҳалари халқаро демократик андозалар ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги муҳим мақсадларга асосланиши лозим.





Эътироф

**Ўзбекистонга сафарим бир умр эсимда қолишига аминман. Тўрт кундан буён Андижон шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, одамлар билан суҳбат қуриб юрибман.**

**Боғишамолдаги Бобур музейини кўздан кечирдим. Ҳунармандлар растасини, «Ўзбекистон» кўчасини томоша қилдим.**

**Таассуротларим жуда бой. Қадим тарихга эга юртингиз обод, табиати гўзал ва хушманзара, одамлари ғоят меҳмондўст эканлиги диққатимни тортди. Ким билан суҳбатлашманг, меҳмонга юксак ҳурмат, эҳтиром кўрсатади. Бундай гўзал фазилатларни бошқа юртларда кузатмаганман. Юртингиздаги осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, одамларнинг кайфиятидаги кўтаринкиликка ҳавас қилса арзийди. Ҳар қадамда янги-янги қурилишлар, улкан ободонлаштириш ишлари авж олганлиги алоҳида эътиборга сазовор.**

**Айниқса, ёшлардаги интилиш, уларнинг бир неча тилларда бемалол гаплаша олиши таҳсинга лойиқ. Андижонда ўзбек миллий таоми — палов тановвул қилдим, мазаси бир умр оғзимда қолади. Саёҳатимни Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида давом эттирмоқчиман».**

**Энда НЕВИН,**
***(Ирландия).***

Янгилик

## Пойтахт боғларида

*маданий-маърифий тадбирлар*

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар шанба куни пойтахтимизнинг барча маданият ва истироҳат боғларида **«Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!»** шиори остида тадбирлар ўтказилади.

Албатта, асосий тадбирлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида ўтказилиши белгиланган. Боғлардаги тадбирлар соат 17.00 дан 20.00 гача давом этади.

Боғлар байрамона безатилади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда эришилган улкан ютуқларни акс эттирувчи фото, амалий ва тасвирий санъат кўргазмалари ташкил этилади.

Тадбирларда юз билан юзлашган отахон-онахонлар, ибратли оила бошлиқлари, маҳалла оқсоқоллари, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, адабиёт, санъат намояндалари, иқтидорли ёшлар, спорт устозлари, чемпионлар, мустақиллик тенгдошлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари, ҳунармандлар, новвойлар, зардўзлар, каштачилар, тикувчилар ва бошқа соҳа вакиллари билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилади.

Тадбирларга санъат усталари, ижрочи ёшлар, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Янги авлод», «Келажак овози» кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларининг чиқишлари файз киритади.

## Бардавом давралар нафаси




**«Мен ишонаман: дунёга машҳур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотига айланади».**

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 1 май куни пойтахтимизда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимида айтган бу сўзлари бугун Осиё, Африка, Европа, Панамерика ва Океания кураш конфедерацияларининг самарали фаолияти тимсолида ўз исботини топмоқда.

Ҳозир ўзбек кураши жаҳоннинг юздан зиёд мамлакатида халқаро спорт тури сифатида жадал оммалашмоқда. 1999 йилдан буён кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари мунтазам ўтказилмоқда. 2000 йили Буюк Британия кураш ассоциацияси томонидан асос солиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентига чуқур эҳтиром сифатида Ислом Каримов номи берилган халқаро турнир курашни Европада тарғиб этишга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

*(Давоми 3-бетда.)*

## ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

***Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши сессиясида «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг вилоятда ҳамда Наманган туманида бажарилиши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди***

→2

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

*Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши сессиясида «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг вилоятда ҳамда Наманган туманида бажарилиши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди*

Дунёда ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз ривожланган давлатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти. Кўплаб мамлакатларда ишсизлик даражаси ортиб, минглаб иш ўринлари ёпилиб кетаяпти. Шундай бир шароитда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор даромад манбаларини яратишга жиддий эътибор қаратилаётир. Ҳар йили янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2010 йил 12 декабрда бўлиб ўтган сессиясида ҳам «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» тасдиқланган эди.

Ҳар қандай масала ҳам ҳаётда ўз ечимини осон топиб кетавермайди. Қайсидир жойда муаммоларни бартараф этиш зарур бўлади. Депутатлик гуруҳимизнинг мазкур масалани сессия кун тартибига киритиши шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

Сессияда мазкур масала юзасидан **Қонунийлик, хуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссия раиси, ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Убайдуллаев** маъруза қилди.

**— Аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатимизни барқарор ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, биз, депутатлар, депутатлик гуруҳлари зиммасида ҳам салмоқли вазифа турганини чуқур ҳис этамиз, — деди у.**

**— Вилоятда 2011 йили 71778 та иш ўрни яратиш белгиланган. Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида ўтган 5 ой давомида 30 минг 832 та янги иш ўрни ташкил этилди. Энг кўп иш ўрни Наманган шаҳри (6 минг 368 та), Чуст (2 минг 723 та), Янгиқўрғон (2 минг 498 та), Косонсой (2 минг 366 та) ва Наманган (2 минг 332 та) туманларида очилди.**

Иш жойларининг 24 минг 464 таси ёки қарийб 80 фоизи қишлоқ жойларда барпо этилди. Яратилган иш ўринларининг 3 минг 327 таси саноатда, 1 минг 310 таси қишлоқ хўжалигида, 1 минг 201 таси қурилишда, 6 минг 651 таси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида, 12 минг 349 таси уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига ва 5 минг 994 таси бошқа тармоқларда барпо этилди.

Вилоятда йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш, жумладан, инвестиция, ҳудудий ва локализация дастурларини амалга ошириш ҳисобига белгиланган 1 минг 954 та янги иш ўрни амалда 2 минг 136 тага ёки 109,3 фоизга бажарилди.

Кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 9 минг 43 та иш ўрни яратилди. Бу кўрсаткич жами яратилган иш ўринларининг 30 фоизини ташкил этади. Бу эса вилоятда кичик бизнес жадал ривожланаётганидан далолатдир.

Вилоятда фермер хўжаликлари, хусусан, паррандачилик, асаларичилик, баликчиликни ривожлантириш ва иссиқхоналар ташкил қилиш, озиқ-овқат дастурларини амалга ошириш ҳисобига 1 минг 310 та иш ўрни очилди.

Бундан ташқари, уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобига 12 минг 349 та янги иш ўрни, хусусан, корхоналар билан тузилган меҳнат шартномаси асосида 3 минг 885 та касаначилик иш жойи яратилди.

Бандликнинг самарали шаклларидан бири — уй меҳнатини, миллий ва халқ ҳунармандчилиги ҳамда қорамол боқиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборатдир. Шу тариқа 2 минг 940 нафар банд бўлмаган фуқаро, хусусан, кўп болали аёллар, ногиронлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари иш билан таъминланди.

### БАНДЛИК РЕЖАСИ ҲАММА ЖОЙДА ТЎЛИҚ БАЖАРИЛДИМИ?

Олиб борилган таҳлиллар иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросида айрим камчиликлар ҳам мавжуд эканини кўрсатди.

Жумладан, Норин туман ҳокимлиги ишни етарли даражада ташкил қилмагани оқибатида янги иш жойлари яратиш 5 ойлик режаси бажарилмади. Туманда уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш бўйича 5 ойлик кўрсаткич 96,2 фоизда қолиб кетди. Шунингдек, мазкур туманда оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришга ҳам эътибор суст.

Кичик корхоналарни ишга тушириш орқали иш жойлари яратиш борасида ҳам бир қатор шаҳар ва туман ҳокимликларининг фаолияти талабга жавоб бермайди. Масалан, Уйчи туманида бу йўналиш бўйича режа бор-йўғи 78,9 фоизга бажарилган, холос.

Лекин вилоятнинг бошқа туманларида бу борада ижобий силжиш бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Масалан, Наманган туманида 2011 йили янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига биноан июнь ҳолатига 2 минг 281 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган бўлиб, режа 102,2 фоизга уддаланди.

Бандлик дастурига кўра, туманда йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига 305 та янги иш ўрни яратилди. Яъни, режа 100 фоизга бажарилди.

Мазкур туманда кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига ташкил этилиши режалаштирилган янги иш ўринлари ҳам талаб даражасида.

Шу билан бирга, ушбу туманда ҳам янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросида айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

Хусусан, кичик қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш ишини ташкил этиш йўналишида 5 ойлик режа (97,3 фоиз) бажарилмаган.

«Хожиакбар Мирзаакбар» савдо сервис МЧЖ корхонаси дастурга асосан 10 та янги иш ўрни яратиши белгиланган бўлса-да, корхонанинг молиявий аҳволи яхши эмаслиги сабабли ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган. «Ғирвон буюм бозори» МЧЖда иш ўринлари белгиланганидан кам яратилган...

Вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига қўйилган мазкур муҳим масала юзасидан вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Шермуҳаммад Тўраев, Наманган туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нўъмонжон Жўраев ва бошқалар сўзга чиқиб, амалий таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

— Масалани ўрганиш жараёнида айрим номувофиқликларга дуч келдик, жойлардаги мутасаддилар, ижро ҳокимияти органлари вакилларига иш юритишнинг ҳуқуқий тартиблари бўйича ўқув машғулотлари ўтказишимиз керак экан, — дейди вилоят Кенгашига ЎзХДПдан депутат Ҳакимжон Насихонов. — Аксарият фуқароларимиз амалда даромадли фаолият билан машғул бўлса-да, маълум бир жойда ҳисобда турмагани учун уларга меҳнат дафтарчаси юритилмаяпти.

Бу фуқаролар меҳнати қонунга мувофиқ тарзда муҳофаза қилинмаслигига олиб келмоқда. Шунинг учун депутатлик гуруҳимиз аъзолари бу борада тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтиришга, меҳнат қонунчилиги ижроси мониторингини кенгайтиришга ҳаракат қилаяпти.

Сессия масалани батафсил муҳокама этди ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини мониторинг қилиш, юзага келган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари амалий таклифлар билан чиқиши, астойдил ишлаши зарур.**

**Тегишли сессияларда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида партия электорати манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилинишига эришиш ҳам ғоятда муҳимдир. Афсуски, бу борада барча депутатлик гуруҳлари бирдек қатъийлик ва жонбозлик кўрсатаяпти, деб бўлмайди...**

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



# Шу юрт меники,

*унинг тинчлиги-фаровонлигига мен ҳам масъулман*

Фарғона шаҳрининг Абдулла Қодирий номли турар-жой мавзеидаги кўп қаватли уйларда ўн мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. ЎзХДП шаҳар кенгаши маърифий-кўнгилочар тадбирни айнан шу ерда ташкил этди.

— Мавзеимиз шаҳар четида жойлашган. Сайиллар, томошалар, таниқли инсонлар билан учрашувлар одатда шаҳар марказидаги боғ, амфитеатр, оромгоҳларда ўтказилар эди. Унда ҳамманинг иштирок этиш имкони бўлмасди. Мана, бугун Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши шундай ажойиб анжуманни бевосита биз яшаётган жойда ўтказяпти. Ташкилотчиларга раҳмат, — дейди меҳнат фахрийси Руқия Солиева.

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши қарори билан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остидаги тантанали оқшомлар марафони Фарғона шаҳрида бошланди. Унга аҳоли учун қулай майдон ва сайилгоҳларда партия етакчилари, депутатлик гуруҳи аъзолари, меҳнат фахрийлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъаткорлар жалб қилиниб, суҳбатлар, учрашувлар ўтказиш кўзда тутилган.

Фарғона шаҳридаги тантаналарда Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темиров «Бу давлат меники, шу юрт меники, унинг фаровонлиги, ёруғ истиқболи учун, аввало, мен курашишим керак», деган эзгу мақсадни ҳаётий ҳикоялари орқали, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жўрақўзи Меликўзиев Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг асосий йўналишларини, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Шаҳноза Давлатова мустақиллик йиллари тақдирида қандай из қолдирганини гапириб берди.

— Бу тадбир жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлади, — дейди ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгаши раиси Алишер Умаров. — Анжуман доирасида биз ташкил этган кўчма Жамоатчилик қабулхонасига шу куни 48 нафар фуқаро мурожаат қилди. Бу гал уларни «Камолот», «Нуроний», «Маҳалла» каби фуқаролик институтлари вакиллари билан биргаликда қабул қилдик ва ўртага қўйилган масалаларга ҳам биргалашиб ечим изладик.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Ногиронлар ижтимоий ҳимояси

*муҳим масала*

Хоразм вилоят Ногирон болаларни қўллаб-қувватлаш жамияти ўзини ўзи бошқарувчи нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, 2001 йил мартда фаолият бошлаган. У имконияти чекланган болаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш, ногирон болалар ҳаётини мазмунли ўтишига кўмаклашиш ва тарбиялаш, касб-ҳунар ўргатиш, таълим бериш, иқтидорли болаларни олимпиада, халқаро танловлар ва конкурсларда қатнашишига ёрдам бериш каби хайрли вазифаларни амалга оширади.

Мазкур ташкилот меҳнат жамоалари, корхона, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар ҳомийлигида болажонларга таянч бўлиб, уларга рағбат ва қувонч улашиб келмоқда. 2001 йили жамият аъзолари сони 13 нафар бўлган бўлса, 2003 йили 35 нафарга етди. Бугунги кунга келиб, вилоятнинг барча туманидан унга мурожаат қилаётган болалар 126 нафардан ошди.

— Ўтган 10 йиллик иш фаолиятимиз давомида катта ютуқларга эришдик, — дейди **жамият раиси Назира Сафарбоева.** — Шу вақтга қадар аъзоларимизнинг 30 нафардан ортиғи халқаро кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этди. Қолаверса, улар вилоят миқёсида «Фарзандингман, жон-Ватан!», «Бизга меҳр беринг» кўрик-танловларида ҳам фаол қатнашади. Масканимизда компьютер сабоқлари, тўқиш, тикиш, тасвирий санъат йўналиши бўйича тўгараклар ташкил қилинган. Машғулотларда нафақат жамият аъзолари, балки маҳалла болалари ҳам қатнашиб келади.

Ахборот-ресурс марказида турли соҳага оид адабиётлар бўлиб, улар қишлоқ аҳли, мактаб ўқувчилари ҳамда аъзоларимизнинг сиёсий ва маънавий билимлари бойишига хизмат қилади. Бундан ташқари, биз шоир ва санъаткорлар, ёзувчи ва таниқли сиёсатчилар билан учрашувлар ўтказишга жиддий эътибор берамиз. Чунки бундай мулоқотлар бола ёдида сақланиб қолади, келгуси ҳаётини белгилаб олишида муҳим ўрин тутади. Яъни, ёшларнинг маънавий ва сиёсий камолоти учун хизмат қилади. Шунингдек, жамият болалар маданий ҳордиқ чиқариши учун экскурсиялар, кўргазмалар уюштиради, қадимий шаҳарларга саёҳатлар ташкил қилади.

Ўтган йили Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грантига муяссар бўлдик. Унга кўра, «Ногирон болалар учун болалар майдончасини ташкил этиш» лойиҳасини амалга оширдик. Шу асосда бунёд этилган майдонча бугун болалар билан гавжум.

Фаолиятимизда ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, чекка туманлардаги аъзоларимиз жамиятга келиб-кетишида транспорт масаласида қийналишади. Бу масаланинг ечим топиши жамиятимиз учун муҳим, албатта. Шу боис, муайян лойиҳа тайёрлаб, грантга эришиб, муаммони бартараф этиш ҳаракатидамиз.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП депутатлари фаолиятидан

# Ҳар бир мурожаат ортида

*инсон манфаати бор*

Фуқаро мурожаати ўз-ўзидан бўлмайди. Агар уларнинг ҳар бири чуқур таҳлил қилиб кўрилса, унинг замирида инсон манфаати, айниқса, бизнинг партиямиз электорати ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар ётгани аён бўлади. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига Жондор туманидан сайланган Фарҳод Козимов шу тамойилга амал қилиб, ўз фаолиятини ташкил этмоқда.

— Бирон муаммога ечим топиш учун, аввало, унинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш зарур, — дейди у. — Шунда уни ҳал қилиш бўйича амалий таклиф бериш осон бўлади. Депутат «қилиш керак», «бажариш лозим» қабилида йўл тутиши нотўғри, деб ўйлайман. Бунинг ўрнига, агар депутат мурожаатда кўтарилган масала билан боғлиқ барча жиҳатларни эътиборга олса, бошдан-оёқ ўрганса, нафақат кўмак сўраб келган кишига, балки шу каби масалага дуч келаётган яна кўплаб фуқароларга фойдаси тегиши мумкин...

Депутат бу сўзларга доим амал қилиб келади. Масалан, Жондор туманида ғишт ишлаб чиқарувчи олтита кичик корхона бор. Президентимизнинг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига кўра, камхарж ва энергия тежовчи технологиялардан кенг фойдаланишга ўтишда корхоналар муайян солиқ имтиёзига эга. Фарҳод Козимовнинг бевосита ёрдами ва елиб-югуриши натижасида Қарор ижросини таъминлаш, яратилган шарт-шароитдан самарали фойдаланиш мақсадида йил бошидан бери 6 та кичик корхонанинг иккитасида модернизация ишлари олиб борилиб, ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Технологик қайта жиҳозлаш натижасида «Олим Саид Субҳиддинбек» хусусий корхонасида саккизта янги иш ўрни яратилди. Уларга коллеж битирувчилари ишга жойлашди.

Партиямиз туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш депутат зиммасидаги асосий вазифалардан бири саналади. Шу боис, ҳар бир мурожаатни атрофлича ўрганиш, бунга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш, улардан ҳаётий таклиф олиш, айни пайтда, муаммони ҳал қилиш бўйича аҳолининг қўллаб-қувватлаши ва бирга ҳаракат қилишига эришиш долзарб масаладир. Ушот, Маданбой, Хумданак ва Кулиён қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари шу ҳудудларга сув борадиган асосий ариқни тозалаш масаласида ёрдам сўраганда ҳам шундай йўл тутилди.

Депутат ташаббуси билан тўрт ярим километр сув йўлини тозалаш учун катта ҳашар уюштирилди. Эътиборсизлик оқибатида хас-хашак, чиқинди ва лойқага тўлиб қолган ариқлар тез орада тозаланди. Натижада 5 та қишлоқдаги томорқа ерлар, фермер хўжаликларини сув билан таъминлаш яхшиланди.

Кўриниб турибдики, аксарият муаммоларни жамоатчилик ташаббуси билан ҳал қилса бўлади. Фақат бунинг учун кўпчиликни бирлаштира олиш, иштиёқ ва ҳаракат керак.

Бугун бир режа тузиб, ўз ишини бошламоқчи бўлган одам эртага катта натижаларга эришиши, оиласи, яқинлари тўкислигини таъминлаб, эзгу ишлар бошида туриши мумкин. Шу боис, маслаҳат ва кўмакка муҳтож кишиларни вақтида қўллаб-қувватлаш, тўғри йўл кўрсатиш жуда муҳим.

Эскиёнлик Алишер Қодиров оҳак ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик корхона ташкил этиш истагида эканини билдирган эди. Депутат бу ишнинг истиқболини яхшилаб ўргангач, унга ёрдам берди. Тез орада корхона ишга тушди.

— Ишга чанқоқ бир гуруҳ маҳаллий ёшлар унда иш бошлагани, айниқса, қувонарли, — дейди депутат. — Корхона бир мавсумда 900 тонна оҳак ишлаб чиқариш қувватига эга.

Одамлар турмуши фаровонлашиб, замонавий банк хизматидан фойдаланувчилар сафи кундан-кун кенгаймоқда. Мижозларга ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш, мушкулини осон, узоғини яқин қилиш ғоятда муҳим. Сомончук қишлоқ аҳолиси бу борада муайян қийинчиликларга дуч келаётган эди. Шу боис депутат қишлоқда минибанк ташкил қилиш масаласи бўйича Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармасига депутатлик сўрови юборди. Қисқа муддат ичида банк мутасаддилари бу ташаббусни қўллаб-қувватлашди. Сомончукда минибанк ташкил қилинди. Қишлоқ аҳли пластик карточкалар орқали коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириши учун қўшимча қулайлик яратилди.

— Янги ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши, хизмат кўрсатиш тури ва кўлами кенгайиши, аввало, маҳалла ободлигига, туман иқтисодиёти юксалишига хизмат қилади, — дейди Фарҳод Козимов. — Бу эса шу ҳудудда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар ечим топишида асосий воситадир. Туманимизда, айниқса, саноат асосида ишлаб чиқариш ривожланиши ҳисобига аҳоли бандлиги таъминланиши жуда долзарб. Ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи субъектларда яратилган иш ўринларининг барқарорлиги эса, аввало, фаолиятни тўғри йўлга қўйишга боғлиқ. Шунинг учун биз жойларда бу борада тушунтириш ишларини кучайтираяпмиз, қўлимиздан келганича амалий ёрдам қилаяпмиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қулай муҳит яратилгани мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Бунинг самараси ўлароқ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, хусусан, доимий иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар ва ёшлар ўз ишини ташкил этиш бўйича катта имкониятга эга бўлаётир.

Бу ўринда партия ташкилотлари, фаоллар ва депутатлар зиммасидаги асосий вазифа ана шу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, уларни амалга ошириш жараёнида амалий ёрдам беришдан иборатдир.

**Анастасия МАРШАЛКИНА**

# Бардавом давралар нафаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## Кўҳна йўлнинг янгиланиши

Тарих гувоҳ: аждодларининг орзу-интилишлари, ҳаёт ва тафаккур тарзини муқаддас билиб, умр қўрғонини ана шу эзгу тамойиллар асосида қурган авлодлар ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди. Зеро, мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ривожлантириш ва бутун дунёга кенг намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан мақсад — бобомерос анъаналарни қадрлаш, халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини яна бир намойиш этиш.

Бу жиҳатлар халқимиз маънавиятининг ноёб дурдонаси — инсон ва табиат уйғунлиги, умид ва ишонч, ор-номус, ғурур, ватанпарварлик, бағрикенглик, матонат ва садоқат фалсафаси бўлган ўзбек кураши davраларининг тобора кенгайиб бораётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Уч минг йиллик анъаналарга эга курашнинг бундай оламшумул ютуқларининг омили, бир томондан, Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш йўлида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор бўлса, иккинчи томондан, ўзбек кураши барча спорт турларидаги энг инсонпарвар қоидаларни ўзида мужассам этгани билан боғлиқдир.

Буюк ва муқаддас Ватанимизда туғилиб-ўсган, муборак номлари афсонаю достонларга айланиб кетган Алпомиш, Алп Эр Тўнга, Паҳлавон Маҳмуд сингари баҳодирлар кураш орқали ўзбек заминининг донғини бутун оламга таратганлар. Бугун аждодларимиз руҳини шод этиб, ўзбек курашининг жаҳон майдонида мустаҳкам ўрин эгаллаётгани том маънода кўҳна йўлнинг янгиланиши, бобомерос тутумларнинг бугунги авлодлар билагида шаклланишидир.

XX асрда халқаро мусобақаларнинг ўтказилиши кенг миқёс ва кўлам касб этаркан, спорт миллатлараро тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиш билан бирга, давлатларнинг халқаро миқёсда обрў-эътибор орттириш омилига ҳам айланди. Бу жараёнда минглаб полвонларимиз қадимий ўзбек кураши билан фаол шуғулланса-да, халқаро майдонда фақат самбо бўйича беллашишга мажбур эди. Ўзбек кураши халқаро рўйхатларда йўқ эди.

Истиқлол туфайли ўзбек кураши ҳам халқаро спорт рўйхатидан жой олди.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. 1992-1998 йилларда Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, Америка, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намойиш қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябрь куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Осиё, Европа ва Американинг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциациясига (КХА) асос солинди.

Давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги «Халқаро «Кураш» Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони миллий курашни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўша йили май ойида Тошкент шаҳрида кураш бўйича 1-жаҳон чемпионати ўтказилди.

«Кураш», «таъзим», «тўхта», «ёнбош», «чала», «дакки», «ҳалол» каби ўзбекча сўзларнинг турли миллат вакилларидан иборат ҳакамлар тилида баралла янграши халқимиз қалбига олам-олам қувонч олиб кирди. Ёки мутлақ вазн тоифасидаги финал учрашувини эслайлик: ўзидан ёши улуғ Тоштемир Муҳаммадиевни ҳурмат қилиб, мардларча қўлини кўтарган Эрали Маҳмарасуловнинг тутуми балки четдан қараган одамга бироз ғалати кўрингандир. Бироқ у ўзбек полвонига мансуб юксак маънавиятнинг энг гўзал кўринишларидан бирини бутун дунёга намойиш этган эди ўшанда.

Шундан буён кураш бўйича кўплаб халқаро мусобақалар юксак савияда ташкил этилмоқда. Туркиялик Селим Татар ўғли, бразилиялик Карлос Хонорато, польшалик Павел Мелаванец, япониялик Хироеши Кашимото, жанубий африкалик Гэри Эндирхолд, грециялик Василиос Илиадис, англиялик Жейси Молли, эронлик Муҳаммад Никунжод сингари спортчилар миллий курашимиз усулларини пухта эгаллаб дунёга ном таратди.

Буларнинг барчаси ўзбек кураши умуминсоний қадрият сифатида Олимпия ўйинлари сафидан муносиб ўрин олишга ҳақли эканлигининг тасдиғидир. Курашнинг жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари ва ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари дастурига киритилгани, VIII Жанубий Америка ўйинлари дастуридан ўрин олгани ҳам бунинг далилидир. Айни пайтда КХА томонидан курашнинг жаҳон миқёсидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уни Олимпиада дастурига киритиш борасида изчил иш олиб борилмоқда.

## Мардликнинг мустаҳкам белбоғи

Ҳаёт — курашдан иборат, дейишади. Бироқ тақдирнинг ўнқир-чўнқир йўлларида ҳамиша ҳам соғлом рақобат ва ҳалол ғалаба тантанаси бўлмаслиги табиий. Бундай мураккаб вазиятдан, биринчи навбатда, ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват инсонгина ёруғ юз билан чиқа олади.

**«Инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради. Ирода — бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин»,** деб ёзади Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида.

Ўзбек кураши, биринчи галда, инсон иродасини чиниқтиради.

Эътибор берганмисиз, курашда енгилган акасининг оригa укаси даврага чиқаверади. «Унинг ёши мендан катта ё вазни оғирку», деб ўйлаб ўтирмайди. Муҳими, ор-номусни, ғурурни сақлаш учун даврага тушади. Буни биров ўйлаб топгани ҳам, жорий қилгани ҳам йўқ. Биз ана шундай илдизлари мустаҳкам томирларга эга халқмиз. Ватан туйғуси мурғак тасаввурларда, биринчи навбатда, оила шаъни тимсолида шаклланган. Зеро, ўз оиласи орини ҳимоя қилган одамгина Ватан шаънини асрай олади.

Полвонликнинг мактаби йўқ, матлаби бор: табиатга уйғун яшаш, борлиқдан қувват олиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳалол курашиш.

Ўзбек курашининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири — даврани полвон боболар бошлаб беришида. Бунинг маъноси шуки, аждодлар вакили даврага файз киритади, авлодларни қўллайди. Кураш — халқимизнинг мифологик тасаввурларини ўзида жамлаган бетакрор санъат. Давранинг четида ўтирган одам учун моҳиятан Ягона Енгилмас Паҳлавон бор. У тасаввуридаги қаҳрамон образини босқичма-босқич улғайтириб, унга ишқибозлик қилади. Шу боис ички туйғулари билан қўллаб-қувватлаётган энг моҳир полвон ғалабасини ўз музаффарияти сифатида қабул қилади.

Ўзбек курашининг олтин қоидаси «энг яхши ҳимоя — ҳужум» тамойилидир. Полвонларимизнинг бармоқ ўйнатиш санъатини эса ҳеч қандай дастурлар билан ҳам ўргатиб бўлмайди: қонда бўлса, суяк суради. Мухтасар айтганда, боболаримиз кураш воситасида ўз «мен»ини тарбиялаган. Полвонликни улуғ даража деб билган.



Паҳлавон Маҳмудни эслайлик: ҳал қилувчи баҳсдан олдин зиёратга бораркан, йиғлаб илтижо қилаётган аёлга кўзи тушади. Қулоқ солсаки, бўлажак рақибининг онаси «агар йиқилсам, яшашнинг қизиғи қолмайди», деган ёлғиз фарзандига ғалаба тилаяпти. Бир она ризоси ва навқирон кўнгилни синдирмаслик учун у атай йиқилиб беради. Сўнг эса мағлубиятидан кулган одамлар кўз ўнгида иккита фил лойдан тортиб ололмаган аравани елкаси билан суриб, қуруқ жойга чиқариб қўяди.

Ўзини енгган инсон ҳақиқий полвондир.

## Энг холис ҳакам — халқ

Қишлоқларимизда ҳозир ҳам шундай анъана бор: тўрт одам йиғилса, икки болани олиштиради. Мақсад — томоша кўриш эмас, албатта. Шу бўзболалар давранинг ҳидини олсин, салобатини енгсин, ўзига тикилиб турган кўзлардан ҳаяжонга тушмасин.

Болалар улғайгани сайин давралар ҳам кенгайиб бораверади.

— Мустақиллик шарофати билан курашимиз халқаро спорт турига айлангани боис, дунё кўряпмиз, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга ҳаракат қиляпмиз, — дейди кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари ғолиби Шерали Жўраев. — Икки йил олдин Украинадаги жаҳон чемпионатининг финал баҳсида «ёнбош» билан ютаётган эронлик полвонни бир неча сония қолганда елкадан ошириб «урдим». Рақибим курашдан кейин «нотаниш усул билан енгдинг, агар яна бир имконият бўлганда, ўзим билардим», дегандай гап қилди. Тақдирни қаранг: Алуштадаги жаҳон чемпионати давомида терма жамоалар ўртасида жаҳон кубоги беллашувлари ҳам ўтказилди. Унда яна ўша эронлик полвон билан гиламга чиқдим. Роса тайёрланган экан, ҳадеганда чилга тушавермади. Аммо яна бир неча сония қолганда елкадан ошириб, юлдуз санатдим. «Тан бердим, бу усулни видеодан қараб ўрганиш қийин экан», деди.

Яқинда европалик уч меҳмон дзюдочини Сурхондарёга курашли тўйга олиб бордик. Даврадаги тумонат одамларни кўриб, «бу қанақа турнир», деб сўрашди. Оддий тўй, десак, жуда ҳайратланишди. Учовини ҳам давранинг салобати босди. Тўйдан қайтарканмиз, қойил қолганини яширмади: «Сиз, ўзбекларнинг аренада нега ҳаяжонга тушмаслигингизни энди билдик».

Дарҳақиқат, халқнинг синовидан ўтган спортчи ҳар жиҳатдан етук бўлади. Бразилияда маҳоратли чарм тўп усталари «кўча футболи»дан етишиб чиққанидек, полвонларимиз ҳам тор доирадаги курашларда чиниқиб боради. Бу нафақат жисмоний тайёргарлик, балки жуда катта руҳий-маънавий сабоқ бўлади. Бунда ёш полвонлар, биринчи навбатда, ҳалоллик руҳида улғаяди.

Ўзбек кураши умуминсоний маънавият денгизининг энг ҳаётбахш ирмоқларидан биридир.

## Оддийлик — машаққатлар ҳосиласи

Илгари полвонлар фақат табиат қўйнида ўзлари билганча шуғулланган, маҳоратини эса турли байраму тўйларда ўтказилган давраларда кўрсатган бўлса, бугун барча қулайликларга эга спорт залларида аниқ дастурлар асосида машғулот олиб бормоқда. Қишлоқда бирор полвон кўринмай қолса, ҳеч ким ажабланмайди, «турнирга кетган, шекилли», деб қўя қолади.

Пўлат Омонқулов Косон туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўнлаб ўғил-қизга миллий кураш сирларини ўргатмоқда. Талабалик пайти тўйда курашиб, ўнг қўли синган Пўлат ака бир қўл билан қолган бўлса-да, «мен ногиронман», деб бекор ўтиргани йўқ. Гувалак қишлоғида қизларга кураш сирларини ўргатишни йўлга қўйди.

Усулларни ўзи кўрсатолмаса ҳам, сингиллари ёрдамида тушунтириб, машғулот олиб борди. Натижада бугун Гувалак қишлоғи деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига биринчи навбатда Барчиной у Тўмарис издошлари келади.

— Мустақилликнинг илк йилларидаёқ туманимиз марказида янги спорт мактаби ташкил этилиб, барча замонавий шарт-шароитлар яратилди. Пахтали брезентлар ўрнига замонавий кураш тўшамалари келтирилди. Кеча болаларни Қўнғиртоғ қирларига олиб чиқиб, харсанг тошларни кўтартириб, машқ ўтказган бўлсам, бугун махсус инвентарлардан фойдаланамиз, — дейди Пўлат ака.

Шогирдларимдан Ўғилой Нуралиева, Машҳура Мавлонова жаҳон чемпиони бўлди. Динора Донаева, Дилфуза Темирова эса кумуш медални қўлга киритди. Дилафрўз Абдураҳимова, Соҳиба Эштемирова, Моҳира Нуралиева, Муниса Муродова сингари 15 нафар қизимиз Осиё чемпиони...

...Авлодлар алмашган сайин миллий қадриятлар ҳам мазмунан бойиб бораверади. Анъаналар авлодларнинг ҳаёт тарзи ва мақсад-муддаосидан келиб чиқиб янгиланаверади. Бироқ ҳар қандай замон ва маконда ҳам илдизи сувдан узилмаган ниҳоллар ҳамиша куртак ёзиб, кўкка бўй чўзиб, ҳосил бераверади. Эҳтимол, бугун кураш билан шуғулланаётган барча бола ҳам моҳир полвон бўлиб ном қозонмас. Бироқ умрини соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида шакллантиради, жисмонан бақувват, маънан етук, энг муҳими, ўз фикрига эга иродали инсон бўлиб камол топади.

Халқимиз омон экан, ўзбек курашининг давралари давом этаверади. Фарзандларимиз Ватанимиз шаъни, элимиз ор-номуси ва ғурури учун майдонга тушаверади. Ўз қарашлари ва мезонларига эга, йўли ойдин, манзили ёруғ халқ карвонини ҳеч қандай куч чалғитолмайди. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, халқнинг қалбида не-не авлодлардан мерос енгилмас куч — маънавият бор.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# Ёзги таътил — 2011

**Юртимизда ёзнинг ҳозирги қайноқ кунларида болажонларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, уларнинг ёзги таътилни мазмунли, ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ташкил этилган болалар ёзги оромгоҳларида бугун болажонларнинг шодон кулгуси, Ватан ва Мустақиллик ҳақидаги қўшиқлари жаранги эшитилади.**





*Оромгоҳларда спортнинг турли йўналишларида очилган тўгараклар эса эртанги кун эгаларини ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.*

*Фарзандларимизнинг ёзги таътилда ўз саломатликларини тиклаб, янги ўқув йилига қадам қўйишлари учун бу катта имкониятдир.*

Солиқ тизими

# Замонавий фаолият

## иш жараёни тезкорлиги ва самарадорлигини оширади

**Бугунги кунда ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига тобора чуқурроқ кириб боряпти. Фарғона вилоятида ҳам бу соҳа ривожига қаратилган эътибор амалда ўз самарасини бериб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Буни биргина вилоят Давлат солиқ идоралари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.**

Ахборот алмашинувининг энг тезкор ва қулай воситаси бўлган Интернет хизмати вилоятимиз тадбиркорлари ҳаётида мустаҳкам ўрин олаяпти. Шу боис солиқ идоралари томонидан ахборот коммуникация технологияларининг муҳим жабҳаси — алоқа тизимини замон талаблари асосида техник жиҳатдан қайта такомиллаштириш орқали солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ҳамда маданиятини оширишга эришилаётир.

Ҳозирги кунда солиқ тизимида 10 турдаги интерактив хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган. Жисмоний шахсларга бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ текширувлари натижалари бўйича маълумот тақдим этиш каби янги хизмат турлари шулар жумласидандир.

2011 йилнинг ўтган даврида Фарғона вилояти бўйича соҳанинг интерактив хизматларига 7248 нафар солиқ тўловчи томонидан 19 минг 530 маротаба мурожаатлар бўлган. Шунингдек, ўтган вақт ичида «Солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларни қабул қилиш ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш» интерактив хизмати орқали 1 минг 787 та юридик ва 2 минг 372 нафар якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилиб, уларга СТИР рақамлари берилган.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вилоят миқёсида ҳисобот топширадиган солиқ тўловчи юридик шахсларнинг қарийб 30 фоизи ҳисоботларни электрон кўринишда топширмоқда. Солиқ тўловчи юридик шахслар учун кўрсатилаётган интерактив хизматлардан фойдаланиш мақсадида жорий йилда қўшимча 3 минг 720 та корхонага электрон рақамли имзолар калитлари ва сертификатлари тақдим этилди. Шу тариқа бугунги кунда Фарғонада 12 минг 380 та солиқ тўловчи юридик шахслар электрон рақамли имзога эга.

Ўз навбатида солиқ тўловчи жисмоний шахслар учун қўшимча интерактив хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган. Бундай хизматлардан фойдаланувчилар учун ҳозиргача 134 та электрон рақамли имзолар калитлари ва сертификатлари берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, солиқ органларининг интерактив хизматлари қаторига «Солиқ декларацияларини электрон қабул қилиш ва қайта ишлаш» хизмати ҳам қўшимча равишда киритилган. Бу солиқ тўловчилар учун яратилган яна бир қулайликдир.

Аслида жамиятга фойда келтирадиган ҳар бир янгилик тезкор равишда амалда татбиқ этилиши билан аҳамиятлидир. Шундан келиб чиқиб, Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси тизимида ахборот коммуникация технологияларини фаолиятнинг барча жабҳаларига кенг жорий этиш юзасидан қатор истиқболли режалар белгиланган.

**Баҳром ОБИДЖОНОВ,**
**Фарғона вилоят ДСБ Ахборот хизмати бошлиғи.**

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

# Электрон мультимедиада

## математик терминларнинг ўзбекча изоҳли луғати

**Ангрендаги Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг математика ва физика факультети бакалаври Элдор Алимов юртимизда илк бор математик терминлар ўзбекча изоҳли луғатининг электрон мультимедиа шаклини яратгани учун патент олди.**

Элдор 1987 йилда Оҳангаронда туғилган. Дастлаб тумандаги 29-мактабда, кейин Ангрен шаҳридаги аниқ фанларга ихтисослашган академик лицейда ўқиди. Сўнгра институтда таҳсил олди. 2008 йилда информатика ва ахборот хавфсизлиги фанидан талабалар ўртасида ўтказилган Республика фан олимпиадасининг финал босқичида иштирок этиб, совринли ўринни эгаллади. Бундан ташқари, у «Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва электрон ўқув-методик адабиётлар ва амалий педагогик дастурий воситалар яратиш» кўрик-танловида «Ўқитувчи-дастурчи» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.

2010 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Келажак овози» ҳамда Германиянинг ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида ёшларда бизнес ва ижтимоий лойиҳаларни бошқариш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган «Менежер лойиҳаси» танловида унинг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамият», «Стратегик режалаштириш ва менежмент», «Ходимларни бошқариш ва супервизия (назорат)», «Музокара олиб бориш кўникмалари» бўйича амалга оширган лойиҳалари ҳайъат аъзолари эътирофига сазовор бўлди.

**Элдор институтда ўқиш даврида асосий эътиборини «Математик терминлар изоҳли луғати» электрон мультимедиа дастурини яратишга қаратди. Икки йил мобайнида математикага оид ўзбек ва бошқа тилларда нашр этилган илмий адабиёт ҳамда дарсликлардаги терминларни йиғиб, уларни яхлит тизимга келтирди.**

— Юртимизда математик терминологияга оид тадқиқотлар дастлаб академик Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий томонидан амалга оширилган, — дейди **Тошкент вилояти давлат педагогика институтининг математика ва физика факультети декани, физика-математика фанлари номзоди Шуҳрат Исмоилов.** — Элдор эса математик терминлар изоҳли луғатининг замонавий мультимедиа дастурини яратиб, бу борада янги босқични бошлаб берди. Ушбу ноёб электрон луғат делфи дастурлаш тилида яратилган. Унда ҳар бир терминнинг ўзбекча ва русча изоҳи жойлаштирилган. Бундан ташқари, атама ва тушунчаларга мос равишда тасвир ва флеш эффектлардан фойдаланилган. Шунингдек, электрон дастурдаги маълумотлар омборида луғатни чоп этиш, терминларни маълум гуруҳларга ажратиш мумкин. Бу эса таълим сифатини янада ошириш ва уни самарали ташкил этишда қўл келади.

Президентимиз таъкидлаганидек, **инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.** Дарҳақиқат, юртимиз буюк келажаги иқтидорли, шижоатли ёшларнинг теран тафаккури, илмий-ижодий кашфиётлари ила барпо этилади.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

# «Ҳамшира — 2011» республика кўрик-танлови ғолиби

***Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тиббиёт ҳамширалари ўртасидаги кўрик-танловнинг бу йилги республика босқичига Андижон вилояти мезбонлик қилди.***

Иштирокчилар дастлаб Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалида ўз маҳоратларини намоён этдилар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида танловнинг якуний қисми бўлиб ўтди. Унда танлов қатнашчиларининг касбий билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

Барча шартларда ўзининг юксак истеъдодини кўрсата олган Республика Шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали реанимация бўлими ҳамшираси Маҳлиё Мамедова «Ҳамшира-2011» кўрик-танловининг ғолиби сифатида «Матиз» автомобили билан тақдирланди.

Иккинчи ўрин жиззахлик Дилноза Норқуловага, учинчи ўрин эса сурхондарёлик Лобархон Жумаевага муносиб кўрилди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ҳуқуқий маслаҳат

# Шартнома шартларига

## қатъий амал қилмоқ лозим

**Бугунги кунда шартнома фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўзаро муносабатларини қонуний тартибга келтиришнинг асосий шартига айланган. Чунки қонун талаблари асосида тузилган шартнома фуқароларнинг ўзаро муносабат юритишларида ишончлиликни таъминловчи асосий воситадир.**

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, шартнома нима ўзи? Уни имзолашнинг қонуний талаблари нималардан иборат? Шартнома икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувдир. Унинг шартлари тарафларнинг хоҳишига кўра белгиланади.

Шартномавий муносабатларга алоҳида эътибор қаратишдан кўзланган асосий мақсад — шартнома маданиятини юксалтиришдан иборат. Шартнома маданиятининг юксалиши замирида шу жамиятда турли хил муносабатларга киришувчилар ўртасидаги иттифоқлик, қўйилган мажбуриятларни тўғри ва аниқ тушуна олиш ҳамда вазифаларнинг бажарилишида масъулиятни ҳис этиш омили ётади.

Бирон-бир тадбиркорлик субъекти шартнома тузмасдан туриб тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирни, келажакдаги режаларни, олди-сотди битимларни амалга оширишини тасаввур қилиб бўлмайди. Хўжалик субъектлари ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларининг натижаси, кўзда тутилган тижорат билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг якуни жуда кўп ҳолларда шартноманинг қандай тузилгани ёки расмийлаштирилганига боғлиқ. Демак, шартнома тузаётганда ҳуқуқшунослар маслаҳати ҳамда ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Дўстмуҳаммад БОЙБЎТАЕВ,
ҳуқуқшунос.**

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
«Ягона буюртмачи хизмати»
инжиниринг компанияси

**қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

**Сурхондарё вилояти, 4К-620 «Денов-Боботоғ-Оқмачит» йўлидан «Боботоғ» ўрмон хўжалиги дачасига бориш автомобиль йўлининг 0-5,0 км қисмини тўла таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 637,523 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 531,269 млн. сўм, қурилиш муддати — 6 ой.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй, Тел/факс: (8-376) 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги «Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 100-қарорига биноан мазкур танлов савдосида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун 25 фоиз миқдорида квота белгиланган.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Интернет-маълумот

# Ўзбекистонлик ёш футболчиларни жаҳон эътироф этмоқда

**Мексикада давом этаётган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муносиб қатнашди. Хорижлик мухлису мутахассислар ҳам буни тан олишмоқда.**



*Fifa.com сайтида Ўзбекистон терма жамоаси ва унинг сардори Аббос Махсталиев ҳақида мақола эълон қилинди.*

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Австралияни мағлуб этганди. Чунки улар сафида Аббос Махсталиев каби иқтидорли футболчилар бор. Терма жамоада сардорнинг ўрни қанчалик катта экани Янги Зеландияга қарши ўйинда яққол сезилди. Аббос яна майдонга қайтгач, ўзининг етакчилик қобилиятини кўрсатди. АҚШ билан бўлиб ўтган ўйинда пенальти ишлади ҳамда уни ўзи амалга оширди. Натижада Ўзбекистон турнирдаги илк ғалабасини қўлга киритди.

Чехияга қарши ҳал қилувчи ўйинда ҳам ўзбеклар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди ва гуруҳда 1-ўринни эгаллашди. Махсталиев бу ўйинда ҳам ғалаба тўпини киритишга муваффақ бўлди. «Мен ҳужумда шерикларимни қўллаб-қувватлашим керак. Агар гол билан якунланган пас берсам ёки ўзим дарвозани ишғол қилсам, ўзимни бахтли ҳис қиламан», дейди иқтидорли футболчи. Ўзбекистонда Аббосни Осиёнинг 2008 йилдаги энг яхши футболчиси Сервер Жепаровга ўхшатишмоқда. «Жепаровдай бўлишни ҳар бир футболчи орзу қилади. Бунинг учун ўз устимда тинимсиз ишлашим кераклигини тушунаман».

*Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги иштироки ҳақида ФИФАнинг расмий сайтида футбол мухлислари томонидан ҳам кўплаб фикрлар билдирилмоқда.*

**Froboy96 (АҚШ):**

— Ўзбеклар ўз жамоаси билан фахрланиши керак. Биринчи уринишдаёқ мундиалда бундай иштирок ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Жуда ҳам эсда қоларли ҳолат. Агар Ўзбекистон ҳозиргидай ўйнашда давом этса, уларни порлоқ келажак кутиб турибди.

**smitch (Янги Зеландия):**

— Ўзбекистон терма жамоаси Янги Зеландия билан учрашувдан кейин тамоман ўзгача футбол намойиш этди. Ўйлайманки, ўзбекистонлик ёш чарм тўп усталари бу ўйинлари билан узоққа боради.

**Walpole (Уругвай):**

— Ўзбекистон терма жамоаси яхши шаклланган, унда кучли ва иқтидорли футболчилар тўп суришмоқда.

**asicit (Австралия):**

— Бизнинг футболчилар учун бу баҳс қийин ўтиши олдиндан маълум эди. Стадиондаги муҳит ҳам уларнинг фойдасига ишлади. Ахир бутун Торреон ўзбекларга мухлислик қилмоқда.

**tolabonino (Италия):**

— Австралия терма жамоаси Уругвайга қарши тўп суришга лойиқ эмас эди. Ўзбекистонликлар уларни ажойиб тарзда мағлуб этишди.

**The_Ger_Man (Германия):**

— Ўзбекистонда ғалаба қозонишга қодир бўлган, ғолиблик руҳи синган буюк жамоа бор! Олға йигитлар!

**Joomlabek (Корея):**

— Бу — Ўзбекистон терма жамоаси! Йигитлар ҳали йигирма ёшгача бўлган терма жамоада ҳам тўп суришади. Уларни ёрқин келажак кутмоқда.

**ysyqshyinish (Қозоғистон):**

— Ўзбек дўстларим! Қозоқ халқи ҳамиша сиз билан. Ўйлаймизки, бу терма жамоа ҳали бизни кўп хурсанд қилади! Омад ёр бўлсин!

**pse2008 (Хитой):**

— Мен хитойликман. 1994 йилда Хиросимада бўлиб ўтган Осиё ўйинларидаги Ўзбекистон — Хитой учрашувидан (4:2) кейин ўзбек футболининг ашаддий ишқибозига айланганман. Менинг севимли жамоам — Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг бундан кейинги учрашувларини ҳам кузатиб бораман.

**BocaJr_ (АҚШ):**

— Ўзбекистон — буюк жамоа! Ўзбеклар бунга лойиқ. Улар ҳозиргидек ўйнашда давом этишларига умид қилса бўлади. Ажойиб натижа!

**22792RS (Англия):**

— Ўзбеклар чиндан ҳам ажойиб ўйин кўрсатишди. Улар ҳар қандай мақтовга муносиб.

**Grimmace (Парагвай):**

— Мен бу жамоани ҳозирнинг ўзида ёқтириб қолдим. Олға, ўзбеклар!

*Ўсмирлар ўртасидаги мундиални Россиянинг Sportbox.ru сайти ходимлари ҳам мунтазам ёритиб боришди.*

**Артур Петросян, Sportbox.ru сайти муҳаррири:**

— Ўзбеклар бизни ўз ўйинлари билан ҳайратга солмоқда. Улардаги ўсиш ҳар бир ёшдаги терма жамоада кузатиляпти. Агар мана шу йигитлар келажакда Европанинг футболи ривожланган мамлакатларининг чемпионатларида, шу жумладан Россияда тўп сура бошласа, ажабланиш керак эмас. Ўзбекистонда болалар спортини, футболини



ривожлантириш борасида катта ишлар қилингани кўриниб турибди.

*Шунингдек, ушбу сайтдан фойдаланувчилар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган.*

**superchampion:**

— Ҳаммаси ажойиб, балли йигитлар! Махсталиев иштирокидаги ажойиб ҳаракатлар ҳаммага ёқаяпти. Баъзида у ўзбек футбол юлдузи Миржалол Қосимовга ҳам ўхшаб кетади. Йигитлар жаҳон чемпионатига шунчаки келишмаганини кўрсата олишди. Турнирга дебютант сифатида ташриф буюрган жамоа дунёнинг энг кучли терма жамоаларидан бири деган ном билан уни тугатди. Алексей Евстафеевга шундай жамоани туза олгани учун алоҳида раҳмат. Гарчи бу жамоа чорак финалда ютқазган бўлса-да, мундиални қаддини тик тутган, мағрур ҳолда тарк этди.

**koksiks:**

— Йигитлар, бутун Бошқирдистон сиз билан! Фақат олға!

**prisheles:**

— Мени бир савол қийнаяпти, Россия ўсмирлари ҳам жаҳон чемпионатига чиқа олармикан? Ўзбекистон терма жамоаси охирги йилларда мундиалда мунтазам иштирок этяпти. Ҳозир ўзимизни босиб олишимиз ва ўзбеклар кўрсатаётган ажойиб ўйиндан баҳраманд бўлишимиз керак!

**Ekatt:**

— Ўзбекистон терма жамоасида жаҳон чемпиони бўлиш учун ҳамма имкониятлар етарли эди. Бироқ охирги ўйинда... Қандай футбол ўйнашни улардан ўрганишимиз керак. Олға, йигитлар! Чиндан ҳам кучли эканлигингизни исботланг!

**Темур АЪЗАМ тайёрлади.**

**ОБ-ҲАВО 07-08.07. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 33°C | 35°C |
| Самарқанд | 32°C | 37°C |
| Нукус | 32°C | 37°C |
| Қарши | 34°C | 39°C |
| Урганч | 32°C | 37°C |
| Навоий | 34°C | 39°C |
| Фарғона | 32°C | 37°C |
| Бухоро | 34°C | 39°C |
| Андижон | 32°C | 37°C |
| Наманган | 32°C | 37°C |
| Термиз | 34°C | 39°C |
| Жиззах | 32°C | 37°C |
| Гулистон | 32°C | 37°C |
| Тошкент вил. | 32°C | 37°C |
| Лондон | 20°C | 14°C |
| Париж | 23°C | 23°C |
| Москва | 30°C | 31°C |
| Мадрид | 33°C | 34°C |
| Пекин | 31°C | 30°C |
| Гонконг | 29°C | 31°C |
| Рим | 26°C | 26°C |
| Анкара | 26°C | 28°C |
| Токио | 31°C | 31°C |
| Стокгольм | 27°C | 21°C |
| Кейптаун | 14°C | 14°C |
| Қоҳира | 34°C | 35°C |
| Гавана | 33°C | 33°C |
| Вашингтон | 29°C | 30°C |

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши партия фаоли, «Нуроний» жамғармаси Зангиота туман бўлими раҳбари Мирза Аҳмедовга ўғли **ФАХРИДДИН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«O'zbekinvest Hayot» суғурта компанияси жамоаси «Ўзбекинвест Ассистанс» сервис агентлиги директори **Абдуғафур СОБИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 746
11278 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5